

ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ҚҮЛЛАШНИНГ ДИДАКТИК ШАРОИТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА МОДУЛЛИ ЁНДАШУВ

Нурбобоев Шокир Бойназарович

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

E-mail: shokir.nurboboyev1991@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ўқитишиш воситаларини лойиҳалаш ва қўллаш дидактик тизим ўзининг мақсадлари, функциялари, режалилик, яхлитлик, тизимлилик, босқичлилик, кўп босқичлилик, кўп соҳалилик, технологиклик ҳамда зарурий ташкилий-педагогик шароитларини ёритишдан иборат.

Калит сўзлар. Дидактик тизим, дидактик лойиҳалаш, ўқитишиш воситалари модулли қўллаш, дидактик технология.

TEACHING TOOLS FOR ITS DESIGN AND IMPLEMENTATION OF DIDACTIC CONDITIONS FOR THE APPROACH MODULE

ABSTRACT

Designing and using didactic system of educational tools consists in clarifying its goals, functions, planning, integrity, systematicity, phasing, multi-phase, multi-field, technological and necessary organizational and pedagogical conditions.

Key words. Didactic system, didactic design, modular use of teaching aids, didactic technology.

Касбга тайёрлаш самарадорлиги ва сифатини ошириш ўқитишининг ўқув-моддий базасини ривожлантириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини ўқитишиш воситалари билан янада тўлароқ, модулли, ўқув-услубий ва дидактик таъминлаш билан бевосита боғликдир.

Ўқитишиш воситалари – булар муайян дидактик функцияларга эга бўлган ҳамда талабаларда касбий билимлар, кўнирма ва малакаларни шакллантириш учун, шунингдек, уларнинг ўқув-ўрганиш ҳамда амалий фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш, ривожлантириш ҳамда тарбиялаш учун мўлжалланган моддий-техник ёки моддийлаштирилган воситаларнинг турли тоифалар, групчалири ва кўринишларидир.

Ўқитишиш воситаларини лойиҳалаш ва модулли қўллаш дидактик тизими функциялари ушбу тизимнинг айнан таъминотда амалга оширилишида намоён

бўладиган кўйидаги дидактик ўзига хосликларини хусусиятлайди:

- ўқитишнинг кўргазмалилиги;
- талабаларнинг ўқув-ўрганиш фаолиятини сабаблаш ва фаоллаштириш;
- ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва фарқлаш;
- ўқув жараёнини жадаллаштириш;
- ўқув жараёнини оптимал бошқариш;
- ўқитишнинг бориши ва натижаларини объектив баҳолаш.

Тизимнинг бўғинлари ўқитиш воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллашга таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар ва шароитлар; ўқитиш воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллаш асосига кирувчи ички омиллар ва шароитлар (мақсадлари, вазифалари, мазмунига эга бўлган бевосита ўқув жараёни, ўқитишнинг воситалари, усуллари, ташкилий шакллари мажмуи билан воситалашган педагогнинг ўқитиш фаолияти ва талабаларнинг ўқув фаолияти); ушбу воситаларни лойиҳалашга қўйиладиган маҳсус тамойиллар ва талаблар; ўқитиш воситаларини самарали модулли қўллашни лойиҳалашнинг дидактик технологияси ва унинг воситалари ҳамда ташкилий педагогик шароитлари.

Ўқитиш воситаларини лойиҳалаш ва модулли қўллаш дидактик тизимининг амал қилиши тамойилларига риоя қилинганда ҳамда тизимнинг сифатли фаолият кўрсатишини белгиловчи бошланғич энг муҳим холатлар ва унинг самарадорлиги сифатидаги унга қўйилган талаблар бажарилганда амалга оширилиши.

Ўқитиш воситаларини лойиҳалаш ва модулли қўллаш дидактик тизими фаолият кўрсатишининг муваффақиятлилигини белгиловчи зарурӣ шароитлар сифатида қўйидагилар намоён бўлади:

- Ўқитиш воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллаш бўйича ишга педагогларнинг тайёрланганлиги (бундай лойиҳалаш назарий асослари ва технологияларини билиш ҳамда ушбу воситаларни қўллай олиш);
- ишлаб чиқиб улгурилган ўқув-дастурий хужжатларнинг ва айнан фан бўйича ўқув дастури, дарслик ёки ўқув қўлланмасининг албатта мавжудлиги;
- фаннинг ўқитиш воситалари билан аниқ таъминланганлигини билиш;
- этишмайдиган воситаларни сотиб олиш учун молиявий имкониятларнинг мавжудлиги;
- ўқитиш воситаларини дидактик лойиҳалаш учун бошланғичолий таълим ўқув муассасаларида ишни мажбурий ва режали ташкил этишни жорий қилиш;
- ўқитиш дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг марказлашган тизими мавжудлиги;
- ўқитиш воситаларини мустақил тайёрлаш учун шароит ва имкониятларнинг мавжудлиги.

Ўқитиш воситаларини лойиҳалаш ва модулли қўллаш дидактик тизимини

ажратиб олиш ҳамда уни алоҳида мустақил кўриб чиқиши ушбу тизимнинг моделини яратиш имконини берди.

Ўқитиши воситаларини лойиҳалаш ва модулли қўллаш дидактик тизими модули дейилганда умумлашган ҳамда ўзаро боғлиқ бўғинларнинг дидактик тизимини: ўқитиши воситаларини модулли қўллашнинг мақсадли вазифасини, функцияларини дидактик лойиҳалаш ҳамда техник яратиш жараёнининг шароитлари ва мазмунини (технологияларини) очиб берадиган ва белгилайдиган бошланғич омиллар, илмий мулоҳазалар ва қонуниятлар тамойилларни тушунамиз. Буларни ҳисобга олиш ва амалга ошириш фанларни модулли услубий танлаш ҳамда кўп босқичли узлуксиз олий таълим шароитларида касбларнинг бирлашган гурухларини илмий асосланган ҳолда таркибини аниқлашга имкон беради.

Ўқитиши воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллаш тизимини моделининг тузилмасини, нафақат тизимнинг барпо этилиши ва сифатли ўзига хослигини, балки булар ўртасидаги алоқаларни ҳам белгиловчи унга кирадиган бўғинлар ташкил этади (1.8. расмга қаранг).

Унинг асосий бўғинлари сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

1. Ишчи ва мутахассисларнинг фаолияти касбий соҳасидаги алоқалар ҳамда ижтимоий-иктисодий шароитларнинг тенденциялар ва инновацияларнинг олий таълим ривожига, фан-техника тараққиётига таъсирини ҳамда ўқитиши воситаларини ишлаб чиқиши, яратиш ва қўллаш соҳасидаги мамлакатимизда ва хорижда эришилган умумий холати ва даражаси, шунингдек, бошланғичолий таълим тизимининг ўқитиши воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллашга бўлган талабларини акс эттирувчи ташқи омиллар ва шароитлар.

2. Ўқитиши воситаларини лойиҳалаш ва модулли қўллаш дидактик тизими моделининг навбатдаги бўғини бўлиб, ўқитиши жараёнининг дидактик ва услубий қонуниятларини, ўқитишининг умумий ва касбий дидактик тамойилларини белгиловчи, шунингдек, бевосита ўқитиши жараёнининг ўзини ўқитишининг услубий ёки технологик тизими сифатида унинг мақсадлари, вазифалари, босқичлари, даражалари ҳамда ўқитиши мазмuni билан биргаликда педагогнинг ўқитиши фаолияти ва талabalарнинг ўқиш фаолияти муштараклигини, булардан келиб чиқадиган ўқитишининг тизими ҳамда воситалари, усувлари, педагогик технологиялари ва ташкилий шакллари орқали воситалашадиган ўқитиши натижалари юзага чиқади. Улар ўқитиши воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллашни келтириб чиқаради ва унинг асосига жойлашади.

3. Ўқитиши воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллашга қўйиладиган ўзига хос тамойиллар ва талаблар модельнинг учинчи бўғинидир. Булар энг муҳим бошланғич холатлар сифатида намоён бўлади, буларга таянган ҳолда ўқитиши воситаларини лойиҳалаш ва модулли қўллаш бўйича белгиланган вазифалар

ҳал қилинишини самарали таъминлаш мумкин.

4. Ўқитиш воситалари модулли лойиҳалашнинг дидактик технологияси ўрганилаётган моделнинг қуидаги унсурлардан иборат бўлган марказий бўгинидир: илмий ёндашувлар, даражалар (босқичлар), уларнинг бошланғич асослари ҳамда тизим ташкил этувчи омиллари; шу аснода қўлланиладиган дидактик воситалар; дидактик лойиҳалашнинг босқичлари ва усувлари; лойиҳалаш кўрсаткичлари ва мезонлари ҳамда мақбул натижанинг қўлга киритилиши.

5. Ўқитиш воситаларини техник лойиҳалаш, тажриба-конструкторлик ишланмаси ҳамда яратиш, ўқитиш воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллаш тизими моделининг олдинги бўғинларини мантиқан давом эттирувчи бўғинидир. Унинг энг муҳим унсури таклифлар ва техник-педагогик талаблар, ўқитиш воситаларини ишлаб чиқишига техник вазифа, тажриба-конструкторлик ишланмаларининг даврлари ва босқичлари; тажриба намунасини тайёрлаш, синаб кўриш ва баҳолаш, ўқитиш воситаларини ишлаб чиқиши ҳамда яратилган ўқитиш воситаларини бошланғичолий таълим ўқув муассалари иши, амалиётига жорий қилишдир. Мазкур бўғин ва унинг элементларини жорий этиш стандарт талабларига шунингдек, ўқитишнинг дидактик воситалари турли гурухлари ва турларини яратишга ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини баҳолашнинг фойдаланилаётган тизими томонидан қўйиладиган умумий талабларга мувофиқ амалга оширилади .

6. Ўқитиш воситаларини лойиҳалаш дидактик тизими моделининг сўнгти бўғини уларни модулли қўллаш бўлиб, бу ўқитиш воситаларидан модулли фойдаланиш билан олиб бориладиган касбий ўқитишни ташкил этиш ва қўллаш, самардорлиги ва сифатини баҳолаш учун зарурый ва етарли бўлган ташкилий-педагогик шароитлар, услубият, мезонлар ҳамда кўрсатикичларни акс эттиради.

Ўқитиш воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллаш тизимининг ишлаб чиқилган ва тақдим этилган модули 1.8. расмдан кўриниб турганидек, барча бўғинларнинг ўзаро боғлиқлиги ва жойлашуви вертикал ҳамда горизонтал тузилмасига эга.

Модулда вертикал бўйича модулнинг тузилмавий шаклланишини таъминловчи асосий бўғинлар иерархик тасвиранганд, ҳар бир бўғин модулнинг таркибий қисми бўлган ҳолда ўз навбатида ўзи ҳам қўллаш элементларидан иборат, буларнинг вазифалари ва функциялари қисман юқорида кўриб чиқилди. Бошқаларини очиб бериш эса олдинда турибди. Шу боис тақдим этилган бўғинларнинг ҳар бири уни ташкил этувчи унсурлар модуллинг «горизонтали» бўйича хусусиятланади.

Ўқитиш воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллаш тизимининг барча бўғинлари ва элементлари мантиқан ўзаро боғлиқдир, буларнинг ўзига хосликлари ва функциялари умуман тизим қонуниятлари билан белгиланади, булар тизимдан ташқарида ўз функционал йўналишини йўқотади.

Scientific Journal Impact Factor 2022: 4.556 <http://sjifactor.com/passport.php?id=22322>

1. Ўқитиши воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллашга таъсир қўрсатувчи ташки омиллар ва шароитлар

Ижтимоий-иқтисолий шароитлар	Олий ривожидаги тенденциялар ва инновациялар	Таълим	Мутахассислик ва йўналишларнинг фаолияти касбий соҳасидаги илмий-техник тараққиёти	Ўқитиши воситаларини ишлаб чиқиш ва яратиш соҳасидаги мамлакатимиздаги ва хориждаги тажрибанинг умумий ахволи	Олий тизими	Тизимининг дидактик таъминотта эҳтиёжлари
-------------------------------------	--	--------	--	---	-------------	---

2. Ўқитиши воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллаш асосида қарор топувчи ичкни омиллар ва шароитлар

Касбга тайёрлаш жараёнининг педагогик конуниятлари (дидактик ва услубий)	Ўқитишининг дидактик тамоилиллари (умумий ва касбий)	Фанлар ва касбларнинг бирлашган гурӯхларини ўқув-услубий таъминлаш (ўқув-дастурий хужжатлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар...)	Касбий ўқитишининг тизимлари ва технологиялари (ўқув жараёни ва унинг бўғинлари)
--	--	---	--

3. Ўқитиши воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллашга қўйиладиган ўзига хос тамоилиллар ва талаблар

Ўқитиши воситаларини лойиҳалаш ва қўллаш тамоилиллари	Талаблар: психолого-педагогик, дидактик, услубий, муҳандислик, техник
---	---

4. Ўқитиши воситалари модулли лойиҳалашнинг дидактик технологияси

Дидактик лойиҳалашни инг илмий даражалари, ёндашувлар и ва бошланғич технологияси и моҳияти	Лойиҳалаш технологияси даражалари, и-нинг дидактик воситалари асослари ҳамда тизим этувчи омиллари	Лойиҳалаш технологияси и-нинг дидактик воситалари (босқичларига а кўра)	Дидактик лойиҳалаш технологияси усуllibari (босқичларига а кўра)	Дидактик лойиҳалаш технологияси босқичлари (давларига кўра)	Дидактик лойиҳалаш технологияси нинг кўрсаткичлар (давларига кўра)	Ўқитиши воситалари мажмуалари (босқичларига а кўра)
---	--	---	--	---	--	---

5. Ўқитиши воситаларини техник лойиҳалаш, тажриба-конструкторлик ишланмаси ҳамда уни яратиш

Ишланмага таклифлар ва техник-педагогик талаблар	Ишланмага техник вазифа	Тажриба-конструкторлик ишланмасининг босқичлари ва давралари	Тажриба курилмасини тайёрлаш, синааб кўриш ва баҳолаш	Ўқитиши воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш
--	-------------------------	--	---	--

6. Ўқув жараёнида ўқитиши воситаларини модулли қўллаш

Ўқитиши воситаларини (ташкилий, дидактик, услубий, конструктив-техник) самарали, модулли қўллашнинг ташкилий-педагогик шароитлари.	Ўқитиши воситаларини модулли қўллаш бўйича услубият ва услубий тавсиялар.
--	---

Ўқитиши воситаларини дидактик лойиҳалаш ва модулли қўллаш натижалари
 Ўқитиши воситаларини модулли қўллаш самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари ва кўрсаткичлари.

1.8. Расм. Ўқитиши воситаларини лойиҳалаш ва модулли қўллаш дидактик тизими модели

Шундай қилиб, ўқитиши воситалари лойиҳалаш ва модулли қўллаш дидактик тизимининг ишлаб чиқилган модели ўкув жараёнининг ўқитиши воситалари билан жиҳозлашга илмий асосланган ёндашув назарияси ва технологияси билан таъминлаш учун ўқитиши воситаларини дидактик лойиҳалаш, техник яратиш ҳамда модулли қўллаш жараёнларининг модулли яхлит тасаввури концептуал ғоясини акс эттиради.

Мазкур концепциянинг етакчи ғояси шундан иборатки, ўқитиши воситаларини лойиҳалаш ва модулли қўллаш дидактик тизимининг назарий асослари касбга тайёрлашнинг услубий-назарий ҳолатлари, қонун ва қонуниятлари, тамойиллари ва талаблари, касбий ўқитишининг назарий ва ишлаб чиқариш дидактикаси ҳамда услубиятидан келиб чиқкан ҳолда яратилади, буларда ўқитиши воситаларига муайян дидактик функцияларга ва аниқ ўқитиши вазифаларига эга бўлган мустақил етакчи педагогик категория сифатида ҳамда ўқитиши жараёнининг бошқа бўғинлари: педагогнинг ўқитиши ҳамда талабаларнинг билим олиш муштарак фаолияти, мақсадлари, мазмуни, ташкилий шакллари ва усуслари билан тизим яратувчи алоқалар ва муносабатларга эга бўлган ўқитиши педагогик технологияси услубий тизимининг энг муҳим бўғинларидан бири сифатида қаралади.

Ўқитиши воситаларини лойиҳалаш ва модулли қўллаш дидактик тизимининг илмий моҳияти олий таълимнинг дидактик ва услубий қонуниятларини, умумий дидактик ва маҳсус тамойилларини, ўкув жараёнининг ўзига хос тамойиллари ва талабларининг, шунингдек, илмий асосланган дидактик технологиясини ҳамда ўкув жараёнини таҳлил қилиш ва моделлаштириш воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланишдан иборат бўлиб, булар ўкув жараёнида касбий билимлар, малака ва кўникмалар шаклланишининг омиллари ва бўғинларини аниқлашга, уларнинг ички алоқаларини белгилашга имкон беради, ҳамда ўқитиши воситаларининг зарурий ва етарли турларига эҳтиёжни режалаштириш, уларнинг мавзули рўйхатини тузиш бўйича, мутахассисликлари ва йўналишларга тегишли ўкув фанлари учун ўқитиши воситаларини мақсадга мувофиқ мажмуалари оптималь таркибини белгилаш бўйича вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун буларни ҳисобга олиш зурур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 41 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 92 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш консепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

4. Бегимқулов У.СХ. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2007. – 305 б.

5. Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс. ... док.пед.наук. - СПб.: 1995. – 43 с.

6. Джураева Б.Р. Формирование педагогической культуры будущих учителей в процессе профессиональной подготовки при изучении дисциплин педагогического факультета: Дис. ... канд. пед. наук. – Т., 2002. – 146 с.

Ибрагимов Х.И. Автогенная тренировка как средство самовоспитания. – М.: Педагогический вестник, 1996. – 115 с.